

# Қишлоқ хўжалигига кластер механизмидан фойдаланишни тақомиллаштириш масалалари

## Вопросы улучшения использования кластерных механизмов в сельском хозяйстве

### Issues to improve the use of cluster mechanisms in agriculture

Аслиддин АБДУЛЛОЕВ,  
PhD, доц. кафедра мудири  
Хилола ҚОСИМОВА,  
магистр.  
Нигина ЧОРИЕВА,  
магистр.

Бухоро давлат университети

#### Аннотация

Мақолада қишлоқ хўжалигига кластер механизмидан фойдаланишининг объектив аҳамияти ва зарурияти ёритилган. Кластер механизми тақдим этадиган имкониятлар ва афзаликклар кўрсатилган. Шунингдек, кластер механизмидан фойдаланишини тақомиллаштиришининг устувор йўналишилари келтирилган.

В статье подчеркивается объективная важность и необходимость использования кластерного механизма в сельском хозяйстве. Показаны возможности и преимущества кластерного механизма. В нем также обозначены приоритеты для улучшения использования кластерного механизма.

The article highlights the objective importance and necessity of using the cluster mechanism in agriculture. The opportunities and advantages offered by the cluster mechanism are shown. It also outlines priorities for improving the use of the cluster mechanism.

“Билимларга асосланган иқтисодиёт” га ўтиш шароитида миллий иқтисодиёт тармоқлари рақобатбардошлигини ошириш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Иқтисодиёт ривожланишини таъминлашда рақами технологиялар ва инновацияларнинг аҳамияти тобора ортиб бораётган шароитда иқтисодий барқарорликни таъминлашда ҳамда ишлаб чиқариш жараёнининг самарадорлигини оширишда “замонавий инновация ва иқтисодий ўсишнинг сифат омили” бўлган “кластер” лар фаолиятини самарали шакллантириш объектив зарурият яксаб этмоқда.

Профессор Т.Жўраевнинг фикрича, “Иқтисодий ривожланишнинг анъанавий усуллари етарли

даражада самарадорликни ва рақобатбардошликини таъминлай олмаётган ҳозирги даврда инновацион тараққиёт йўлига ўтиш янги иқтисодий тузилма “кластер” ларни жорий этишни тақозо этади” [2].

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси кластерларнинг замон талабларига мос рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш, инвестицион фаолликни ва жозибадорликни ошириш, инновацион фаолиятни рағбатлантириш ва пировардида эса ижтимоий-иктисодий ривожланишини таъминлашда ўрни юқори эканлигини кўрсатади.

Дастлаб кластерли ёндашув саноат ишлаб чиқаришида қўлланилган бўлиб, М. Портер минтақавий рақобатбардошликини оширишда саноат кластерла-

**Калит сўзлар:** инновация, кластер, қишлоқ хўжалиги, агрокластер, рақобатбардошлиқ, интеграция.

рини ташкил этиш гоясини оммалаштирган. Бугунги кунда кластерлар кўплаб тармоқларда фаолият кўрсатмоқда, жумладан, саноат, қишлоқ хўжалиги, туризм ва бошқалар.

М.Рахматов ва Б.Зарипов ҳаммуаллифигидаги “Кластер - интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш” номли қўлланмада кластерлашни битта географик ҳудудда концентрациялашган ва маълум бир аниқ вазифани ечишга қаратилган, ягона бошқарувдаги занжирга бояланган корхоналар гуруҳи эканлигини, улар бир-бири билан узвий алоқадаги, жамоавий рақобатлашувни мустаҳкамлаш мақсадида ишчи кучларини ўзаро бирлаштирувчи интеграцион, инновацион ва албатта, иқтисодий ўсишни таъминлайдиган, илмга асосланган жараён дея таърифлашган [1].

Илгор хориж тажрибасидан шуни кўриш мумкинки, ишлаб чиқаришда кластер усулидан фойдаланиш, нафақат саноат мақсадларига эришиш воситаси бўлиб хизмат қиласи, қолаверса ижтимоий-иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш учун кучли восита ҳамdir, бу пировардида бандлиқ, иш ҳақи, турли даражалардаги бюджетларга ажратмаларнинг кўпайиши, мамлакат саноатининг барқарорлиги ва рақобатбардошлигининг ошишига олиб келади.

Кластер усули корхоналар ва тармоқлар бутун мажмуи учун хос бўлган технологиялар, кўникмалар, ахборот, маркетинг ҳамда истеъмол талабларидаги энг муҳим ўзаро алоқаларни амалга ошириш имконини беради. Ушбу ўзаро алоқалар инновациялар йўналиши ва суръатларига ҳамда якуний маҳсулотнинг рақобатбардошлигига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси кластерларнинг замон талабларига мос рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш, инвестицион фаолликни ва жозибадорликни ошириш, инновацион фаолиятни рағбатлантириш ва пировардида эса ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашда ўрни юқори эканлигини кўрсатади.

Миллий иқтисодиётда кластер механизмидан фойдаланиш қуйидаги имкониятларни тақдим этади:

- қулай инвестицион муҳитнинг шаклланиши ва инновацион фаолиятнинг ривожланишини рағбатлантириш, аҳоли самарали бандлигини таъминлаш;

- ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар харажатларини камайтириш ҳисобига маҳсулотни сифат

жиҳатдан яхшилаш, натижада эса товарлар рақобатбардошлигига эришиш;

– инновацияларни жорий қилиш ҳисобига минтақавий ва жаҳон бозорларида мамлакатнинг нуфузи ошиб, рақобатбардош бўлишини таъминлаш ва бошқалар.

Бугунги замонавий шароитларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кластер механизмидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Аграр тармоқда кластерлар фаолиятини ташкил этиш ишлаб чиқариш харажатларини камайтириб, сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминлашга хизмат қиласи.

Мамлакатимизда иқтисодиётни, жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳасини модернизация ва диверсификация қилиш, озиқ-овқат маҳсулотлари етишириш, фермер, кластер ҳамда кооперацияларни молиявий қўллаб-қувватлаш масаласига ҳар доимгидан ҳам кўпроқ аҳамият берилаёттанининг боиси ҳам шунда.

Бинобарин, кластер тизимини жорий этиш, замонавий иссиқхона хўжаликларини яратиш ва томорқа хўжалиги амалиётини кенгайтириш нафақат ҳосилдорликни, балки қишлоқда аҳоли турмуш дарражасини сезиларли даражада ошириш имконини берди. Таъбир жоиз бўлса, ушбу янги тузилма ўтган жуда қисқа вақт ичида аграр соҳани ҳаракатлантирувчи етакчи куч – драйверига айланди.

Қишлоқ хўжалигига агросаноат кластерлари маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар, унга ишлаб чиқариш воситаларини етказиб берувчи, маҳсулотини қайта ишловчи саноат тармоғи корхоналари, тармоққа хизмат кўрсатувчи соҳалар, пировард маҳсулот сотишни амалга оширувчи тижорат муассасалари ҳамда турли бошқа иқтисодий инфратузилма обьектларини қамраб олади.

Бугунги кунда мамлакатимизда миллий иқтисодиёти учун замонавий бўлган, саноатнинг инновацион тури кластер механизмидан фойдаланиш, хусусан, пахта-тўқимачилик кластерларида “пахта хомашёсини етишириш – қайта ишлаш - тайёр маҳсулот” кўринишидаги 100 фоиз чиқитсиз ишлаб чиқариш обьектлари ташкил этилмоқда. Чунки пахтачилик – тўқимачилик кластерларида пахта хом ашёсини етишириш учун ерларни тайёрлаш, пахтани

экиш, етиштириш, йиғишириб териб олиш, қайта ишлаш ва бирламчи қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни чуқур қайта ишлаш йўли билан халқаро стандартларга мос келувчи юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг реализацияси билан шугууланувчи корхоналар битта бошқарув тизимида бирлашади. Республикаиз қишлоқ хўжалиги ва унга туташ тармоқларга хўжалик юритишнинг янги шакл ва усуларини қўллаш, сўзсиз бутун мамлакат иқтисодиёти ва, хусусан, унинг аграр тармогининг кескин тараққиётига олиб келади [2].

2020 йилда 97 та пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан жами 2 млн 794 минг тонна пахта хом ашёси етиштирилган бўлиб, ўртacha ҳосилдорлик 30,1 с/га ни ташкил этган. Қолаверса, 78 та пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан шартномада белгиланган ҳосил тўлиқ етиштирилиб, шундан 11 тасида юқори кўрсаткичларга эришилган ёки ўртacha 3-8 с/га қўшимча ҳосил олинган [5].

Шу жиҳатдан, бугун қишлоқ хўжалигида иш юритишнинг янгича шакли — кластер усули тобора оммалашмоқда. Негаки, бундай механизм ҳар қандай шароитта мослаша олади, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий муаммоларни изчилик билан самарали ечиб беради. Чунки кластер усули тўқимачилик саноати ривожида муҳим аҳамиятга эга ва бу усулни ҳаётга татбиқ этиш учун юртимизда барча имкониятлар етарли.

Хулоса ўрнида айтганда, бозор тамойилларига ўтишда кластер тизими муҳим омилдир. Сабаби кластер тизими – бу манфаатдорлик, соҳага илмфан ва инновациянинг кириб келиши демакдир. Зотан, кластер элга манфаат келтиради, одамларни иш билан, даромад билан таъминлайди. Қолаверса, қишлоқ хўжалигида кластер механизмидан фойдаланиш корхоналар унумдорлиги ва инновацион фойдалилиги ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш интенцивалигининг ошиши, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишининг фаоллашуви, кластерлар жаойлашган ҳудудлар жадал ижтимоий-иктисодий ривожланишининг таъминланиши каби натижаларга эришишни таъминлайди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Раҳматов М.А., Зарипов Б.З. Кластер – интеграция, инновация ва иқтисодий ўсиш. Рисола. Т.: “Zamin Nashr” нашриёти, 2018 й. 164-б.
2. Жўраев Т.Т., Ҳамидов М.Е. “Ўзбекистонда агросаноат кластерлариниг ривожланиши ва уларнинг қишлоқ хўжалиги тараққиётида тутган ўрни”. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №2, 2019 й.
3. Шильченко Т.Н. Перспективы развития туристских кластеров в РФ // Вестник ТИУиЭ. 2015 г. № 1 (21). С. 65–70.
4. Ketels Ch. Clusters, Cluster Policy, and Swedish Competitiveness in the Global Economy. Vesteros: PRINT Edita, 2009. 66 p.
5. <https://xs.uz/uzkr/post/klaster-agrar-sektorning-asosij-osish-nuqtasi>